INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 10-iyun • Seshanba • 71 (27.876) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. Ўзбекистонда жиноятларнинг таснифланиши тўла ўзгартирилди. Бунда оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати сезиларли даражада қисқартирилди».

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 июнь куни Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликларининг Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича вазири, «Дубай холдинг» компанияси ижрочи раиси Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовийни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида олий даражадаги мулоқотларнинг изчиллашиб бораётганини, бу икки томонлама ҳамкорликнинг суръат ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йилнинг март ойида Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи ғоят самарали бўлиб, ўзаро муносабатларни янги поғонага олиб чиқди. Ташриф асносида хавфсизлик, сайёҳлик, экология, илм-фан, қимматли қоғозлар бозори, шунингдек, сармоявий, савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорликка доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташриф асносида Президент Ислом Каримов Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан учрашиб, ўзаро муносабатларга доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қилди. 2007 йилнинг октябрида шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик, даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол имзоланган.

Ислом Каримовнинг Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовий билан учрашувида ана шу музокараларда эришилган келишувлар ҳаётга изчил жорий этилаётгани, ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликларини ўзининг Форс кўрфазидаги ишончли шериги деб билади. Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамкори сифатида қарайди. 2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 93,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Бирлашган Араб Амирликлари сармоядорлари билан ҳамкорликда 68 қўшма корхона тузилган. Улар озиқ-овқат, электроника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш соҳаларида фаолият юритади. Бирлашган Араб Амирликларининг энг йирик компанияларидан бири бўлган «Дубай холдинг» компанияси Ўзбекистондаги қатор иқтисодий лойиҳаларда иштирок этмоқда.

Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовий самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўламини янада кенгайтириш, иқтисодий ва сармоявий соҳада мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

«КВАРЦ»НИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Фарғона вилоятида кейинги йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамияти ҳам ана шундай корхоналар сирасига киради. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган халқаро стандартларга мос, сифатли шиша ва ойна маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда харидоргир. Ҳозирда ушбу маҳсулотлар Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

Жамиятда айни кунларда 126 турдаги шиша маҳсулотлари тайёрланаётир. Жорий йилнинг уч ойи мобайнида «Кварц«да 10 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ерда доимо жаҳон бозори конъюктураси ўрганиб борилаётир. Бу эса нафақат маҳсулотни ташқи бозорга олиб чиқиш, балки у ердаги энг сўнгги ютуқларни ўз фаолиятида жорий этиш, ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳизмат қилади. Шунингдек, турли хил кўргазма ва ярмаркаларда корхона маҳсулотлари намойиш қилинмоқда.

Суратларда: *операторлар Равшан Умаралиев ва Акмал Сулаймонов; ишчи Муборак Сотволдиева.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Аввало, Ўзбекистонга ташриф асносида менга ва делегациямиз аъзоларига кўрсатилган юксак иззат-икром учун самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Хусусан, менга алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, Самарқанддаги қароргоҳингизда меҳмон бўлиш имконияти яратилгани учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз билан учрашиш ва мамлакатларимиз ўртасидаги барча соҳалар бўйича ҳамкорликка доир муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилишга муяссар бўлганимдан ғоят мамнунман. Икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган лойиҳалар, савдо ва сармоя, энергетика ва табиий ресурслар соҳасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, шунингдек, иқтисодий ривожланиш бўйича инфратузилма барпо этиш ва тажриба алмашиш масалалари шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг Сизнинг доно раҳбарлигингизда барча жабҳаларда, шу жумладан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришган улкан ютуқлари ташриф асносида менда катта таассурот қолдирганини алоҳида қайд этмоқчиман. Ўзбекистон келгусида Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат сифатида ҳар томонлама тараққий этиб, гуллаб-яшнашига қатъий ишонаман.

Корея Республикаси ҳукумати ўзининг стратегик шериги бўлган Ўзбекистон билан эришилган келишувларни амалга ошириш ва икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятини ишга солади. Муҳтарам Президент Жаноблари, икки томонлама муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига равнақ тилаб билдирган эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

Хан СИН СУ,
Корея Республикаси Бош вазири

ЁШЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг самарали қонунчилик базасини шакллантириш масалаларини муҳокама этиш билан боғлиқ қатор тадбирлар ўтказди.

4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатасида Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган, «Вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш: амалиёт ва самарадорлик» мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, вазирлик ва идоралар, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари, турли жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, ГФРдан келган экспертлар иштирок этдилар.

2-бет

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ролига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг (Германия) Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар вакиллари, мамлакатимиз ва хориж экспертлари, журналистлар иштирок этди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директорининг ўринбосари Ғ.Абдукаримов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятни янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, хоҳиш-иродасини ифода этишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонун бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Анжуманда Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги роли ва нуфузи тобора ошиб бораётгани таъкидланди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолияти бунинг яққол далилидир. Ҳар бири жамиятдаги муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этадиган бу сиёсий партиялар халқ орасида ўз дастури ва ғояларини тарғиб қилиш, фаоллигини ошириш ва кенгайтириш билан бирга, ўз аъзолари ва тарафдорлари сонини кўпайтириш, шу тариқа жамият ҳаётидаги ўзининг таъсирини кучайтириш имкониятидан самарали фойдаланмоқда.

Германиялик экспертлар давра суҳбати иштирокчиларини Германия парламенти — Бундестагнинг қуйи ва юқори палаталари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тизими, парламентаризмнинг ҳозирги кундаги ривожи ва истиқболлари, депутатлар корпусининг иш тажрибаси билан таништирдилар. ХДС/ХСС партияси вакили Йоахим Хёрстер сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлашининг асосий босқичлари ва механизмлари, Германиядаги фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти ҳақида тўхталди.

Қизғин мулоқотлар чоғида германиялик мутахассислар Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ўзига хос тажрибасини, хусусан, халқаро андозаларга мос муҳим ҳуқуқий асос яратилгани сиёсий партияларнинг кенг ижтимоий-сиёсий фаолият юритишида, жамиятдаги ўрни, нуфузи ва мавқеини, ваколатларини янада кенгайтиришда ҳамда фаолияти самарасини ошириш борасида янги имкониятлар очганини, шунингдек, сиёсий партияларнинг ташкилий-кадрлар сиёсати, моддий-молиявий, маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари борасидаги ибратли амалиётини ҳамда партия нашрлари фаолиятини юқори баҳоладилар.

(ЎзА)

☑ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ҲАМКОРЛИК КУЧАЙСА

фаолиятимизнинг самарадорлиги ортади, дея таъкидлашди ЎзХДП фаоллари

Қашқадарё вилоят партия кенгашида ўтган давра суҳбати партия ғояларини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва бу борадаги долзарб вазифаларга бағишланди. Унда туман партия кенгашлари раислари, фаоллари оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Бугун партия ўзининг электоратига суяниб, аниқ шиор ва ғояларни олдинга сурар экан, нафақат ўз нашрлари, балки, телевидение, радио, интернет сайтлари билан ҳам алоқани мустаҳкамлаши лозимлиги алоҳида қайд этилди. Партия вилоят кенгаши раиси Рашид Муртозаев ана шулар ҳақида тўхталди.

— Партиямизнинг марказий нашрлари — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, шунингдек, «Қашқадарё», «Эфирда Қашқадарё», «Насаф» каби маҳаллий нашрлар билан ҳамкорлигимиз кучайиб бораяпти, — деди у. — Лекин ОАВ билан ҳамкорлигимиз, унинг имкониятларидан фойдаланишимиз етарли эмас. Партия қуйи бўғинлари фаолиятини матбуотда кўпроқ акс эттирсак бу борада самарали натижаларга эришамиз. Ижтимоий рекламалардан ҳам унумли фойдаланаяпмизми? Ваҳоланки, тарғиботни фақат сайловлар даврида эмас, балки ҳамиша олиб бориш керак.

Боймурод ҚЎҲГИРОВ, «Ўзбекистон» телерадиоканалининг вилоятдаги мухбири:

— Барча сиёсий партиялар билан тенг ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёрмиз. ХДПнинг ибратли ишлари ҳақида ҳам кўп эшитамиз. Очиқ тан олиш керак, сиёсий мавзуларни, мамлакат парламенти ва ижтимоий-сиёсий ҳаётини ёритишда биз қайсидир маънода сизнинг кўмагингизга эҳтиёж сезамиз. Журналистлар билан ҳамкорликни кучайтириш икки томон учун ҳам манфаатли деб ўйлайман.

Дилшод КАРОМОВ, вилоят телевидениеси ходими:

— Бизда «Депутат минбари» кўрсатуви ташкил этилган. Табийки, ХДПдан сайланган депутатлар учун ҳам бу яхши имконият. Яна бир гап. Биз Қарши шаҳар, Касби туман кенгашлари билан яхши ҳамкорлик қилаяпмиз. Аммо бошқа туман кенгашлари билан бу соҳадаги алоқаларимизни ҳам жонлантиришимиз лозим.

Валентина МАРЦИНЯК, «Новости Кашкадарья» газетаси ходими:

— Менимча, партиявий мавзуларни ёритаётганда журналистик маҳорат ва таъсирчан услублар ҳақида ҳам кўпроқ ўйлаш керак. Чунки, бусиз мақола газетхон эътиборини тортмайди. Мақоладаги рақамлар ва маълумотлар асосий мақсадни одамлар, уларнинг ҳақиқий ҳаёти, қизиқишларини тўсиб қўймаслиги керак.

✧✧✧

Суҳбат жонли, қизиқарли бўлди. Партия Қарши шаҳар, Китоб, Касби туманлари кенгашлари раислари Комила Каромова, Санжар Қурбонов, Абдуали Холовлар ҳам ҳамкорликни ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни билдиришди.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларни айтмай илож йўқ. Олайлик, вилоятда қирқ мингдан ошиқ ХДП аъзоси бўлса, хайрихоҳлар юз минглаб. Нега уларнинг мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеаларга муносабатлари, ўзлари қўллаётган сиёсий кучнинг қандай бўлиши ҳақидаги фикр-ўйларини кам ёритаяпмиз? Ахир, партия аъзосининг ҳам ўз ҳаёти, дард-ўйлари бор-ку? Агар бугунги куннинг шиддати, улуғ ўзгаришлар билан яшаётган ажойиб кишилар ҳаёти, партия жонкуярларининг қилаётган ишлари, орзуларини тасвирлаш борасида баъзан маҳорат етишмаётганлиги, айрим мақолалар газетхонга ҳеч нарса бермаётганини ҳам инкор этмаслик керак. Бу борада биз журналистлар ҳам ўз устимизда ҳали кўп ишлашимизга тўғри келади.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ННТ: ЯҚИН КЎМАКЧИ, ҲАМКОР 2

ЖИНОЙ ЖАЗОЛАР ЛИБЕРАЛЛАШУВИ
фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишининг муҳим босқичи ҳисобланади. 3

ИҚТИДОР ЧЕГАРАСИ
тинимсиз ўқиш, изланиш билан янада кенгаяди 4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

☑ Мен нега ЎзХДПни танладим?

МАҚСАДИ АНИҚ, ҒОЯЛАРИ ИНСОНПАРВАР

бўлгани учун дейишмоқда қоракўллик йигит-қизлар

Бундан уч йил олдин фаолият бошлаган Қоракўл тиббиёт коллежида бўлган киши ҳайратини яшира олмайди. Коллеж директори, партиядошимиз Халил Жумаев билим масканини туманнинг тумори дея тарифлади.

— Биласизми, олис туманда бундай кошонанинг қурилиши илмга чанқоқ ёшларга ғамхўрликнинг ёрқин тимсолидир ва бундай жойда ўқишнинг ўзи бир бахт — деди у.

Директорнинг таърифлагани-ча бор экан. Барча фан кафедралари, замонавий жиҳозланган лабораториялар, ахборот-ресурс маркази, қироатхона, ҳамма-ҳаммаси ёшларнинг ихтиёрида. Бу ерда айни кунларда 3 та йўналиш бўйича 1020 нафар талаба таҳсил олаяпти. Эрта-индин улар ҳамширалик, акушерлик, даволаш бўйича мутахассис бўлиб чиқади, эл соғлигини муҳофаза қилишда иштирок этишади.

— Келганингиз яхши бўлди, — деди туман партия кенгаш раиси. — Бугун бир гуруҳ ёшларга ЎзХДПга аъзолик гувоҳномасини топширамиз.

Коллеж ўқитувчиси Маҳмуд Собировнинг айтишича, бу ерда ишловчиларнинг аксарияти ёш ўқитувчилар экан. Бугун уларнинг ўн нафари партияга аъзо бўлаётир.

Шоира САТТОРОВА, ўқитувчи:

— Партиянинг Дастури билан танишиб чиққач, ўз тақдиримни ЎзХДП билан боғлашга қарор қилдим. Чунки, бу партия биз ёшлар манфаатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келаяпти. Шунингдек, партиянинг ёш авлодни тарбиялаётган ўқитувчилар, миллат соғлигини муҳофаза қилаётган шифокорларни ўзининг таянчи деб билгани менга маъқул бўлди.

Тожихон ЙЎЛДОШЕВА, терапия кафедраси мудири:

— Яширимайман, узоқ ўйладим. Партия Дастурини обдон ўргандим. Ҳақиқатан ҳам унинг мақсадлари аниқ, хайрли ишлари кўп, ўз позициясига эга. Бундай партия аъзоси бўлиш мени мақсад сари дадил интилишга чорлайди. Айниқса, Ёшлар йилида ҳаётимда рўй берган бу воқеа умрбод ёдимда қолади.

Партия гувоҳномаларини туман партия кенгаши раиси Файзулла Бебутов ёш ўқитувчиларга топширар экан, уларни ЎзХДП дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол қатнашишга чақирди, кейин коллеж ўқитувчилари орасида ХДП аъзолари 26 нафардан ошганини маълум қилди.

Шу куни Қоракўл саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида ҳам худди шундай тадбир бўлиб ўтди. Туманда партия аъзолари сафи ёшлар ҳисобидан кенгайиб бораяпти.

Дарвон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *коллеж ўқитувчиларига аъзолик гувоҳномалари топшириш маросимидан лавҳа.*

☑ Кучли фуқаролик жамияти сари

ННТ: ЯҚИН КЎМАКЧИ, ҲАМКОР

Жамоат бирлашмалари, турли нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фуқаролик жамияти асослари ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кундан фуқаролик жамияти қуришга киришди. Фуқаролик жамияти институтларига кенг имкониятлар эшиги очилди. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бугунги кунда жамоат бирлашмалари сафи янада кенгайиб, улар ислоҳотларда, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Хоразм вилоятида 370 дан ортиқ ННТлар турли соҳалар: таълим, фан, маданият, спорт, табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, фахрийлар, аёллар, ёшлар, ногиронлар ҳамда болалар масалалари билан шуғулланиб, фуқаролик жамияти қуриш йўлида фаолият юритмоқда.

Ўтган давр давомида «Маҳалла», «Наврўз», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Болалар», «Меҳр-мурувват», «Меҳр-шавқат ва саломатлик» жамғармалари маҳаллаларда таълим-тарбия ҳамда ободончиликни амалга ошириш, фахрийларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳоли соғлигини таъминлаш ҳамда қаровчисини йўқотган, ногирон болаларни тарбиялаш йўналишида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. «Маҳалла» жамғармаси томонидан кам таъминланган оилаларга, етим-есирларга, ногиронларга, боқувчисини йўқотганларга моддий ёрдам кўрсатилиши одатий ишга айланди.

Вилоятда руслар, татарлар, қозоқлар, корейсларнинг миллий-маданий марказлари ташкил этилган. Улар ўзларининг маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини сақлаш, ривожлантириш ва мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Шунингдек, бокс, теннис, кураш, каратэ, самбо, футбол ва спортнинг бошқа турларига оид 19 та спорт федерациялари ташкил қилинган бўлиб, улар Ўзбекистон спортининг обрў-эътиборини оширишда, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда, навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда фаол иштирок этишяпти.

Аҳолига ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатишга доир тадбирларни амалга ошириш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, уларнинг миқдорини кескин камайтириш, аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида турли хил ассоциациялар ташкил этилган. Буларга «Стоматологлар», «Анестезиолог ва реаниматологлар», «Психиатрлар ва наркологлар», «Шошилинч тиббий ёрдам врачлари» ассоциацияларини мисол қилишимиз мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятда энг фаол иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларидан бири Ўзбекистон Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Хоразм филиалидир. Ушбу институт фаолиятининг асосий мақсади фуқаролик жамиятининг дастлабки шаклланиш асослари ва асосий омилларини таҳлил қилиш, миллий давлатчиликнинг кўп асрлик тарихий тажрибаси ҳамда миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда, фуқаролик жамияти институтини ривожлантириш муаммоларини ўрганишни ташкиллаштириш ва ижтимоий муносабатларнинг фундаментал асосларини шакллантиришдан иборат. Ушбу масалаларда институт томонидан вилоятнинг барча ҳудудларида турли хил нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокида мунтазам давра суҳбатлари, семинарлар ва тренинглар ўтказилмоқда.

Айниқса, «Интербилим ахборот ресурс», «Меҳригиё аёллар», «Ҳамдард», «Олима аёллар» марказлари, «Адвокатлар» ассоциацияси хайрли ишларни амалга оширишга бош-қош бўлмоқда. Масалан, «Меҳригиё аёллар» маркази томонидан Урганч шаҳрида ишсиз аёллар учун 8 ойлик тикувчилик ўқув курслари ташкил қилинган. Унда 17-40 ёшгача бўлган 60 нафар ишсиз аёллар ўқитилиб, ишга жойлаштирилди. Ҳозирги кунда мазкур марказ томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида аёллар ўртасида ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олишга кўмаклашишга доир лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳа бир йилга мўлжалланган бўлиб, шу давр мобайнида Урганч шаҳридаги ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оила фарзандларини бепул компьютер саводхонлигига, тикувчилик, кулинария каби касбларга ўргатишни, шунингдек, вилоят наркология ва ВИЧ/ОИТС марказида рўйхатда турган оила аъзоларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўқув курслари ташкил қилишни асосий мақсад қилиб олган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш мақсадида адлия бошқармаси ташаббуси билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида учрашувлар, маърузалар, семинарлар доимий равишда ўтказилмоқда. Бундай мулоқотлар, албатта, фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолият юритишига ўз таъсирини кўрсатаяпти.

Ўйлаймизки, ННТларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб, аҳолининг суянчи ва қанотига айланади ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим бўғини бўлиб қолади.

Илҳомбой ТЎРАЕВ, Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган мазкур лойиҳа юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов маъруза қилди.

Жиноят кодексининг 186[1]- моддасида миқдоридан қатъи назар, этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу ҳолат учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган. Натижада маҳсулотларни оз миқдорда муомалага киритганлик учун ҳам жиноят ишлари қўзғатилмоқда. Бу эса ўз навбатида Жиноят кодексининг жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилоналиги, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши тўғрисидаги талабларига номувофиқ келмоқда.

Қонун лойиҳасида мазкур турдаги жиноятлар юзасидан жавобгарликни либераллаштириш мақсадида биринчи марта маълум қийматгача миқдорда содир этилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш ва энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан юз баробаригача жарима жазосини киритиш, ўша ҳаракатлар такроран содир қилинса, жиноий жавобгарлик белгилаш таклиф қилинмоқда.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 85-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳа ҳам Бош прокурор томонидан киритилмоқда. Жиноят кодексининг 85-моддасига мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш белгиланган. Аммо моддада айрим ҳуқуқий зиддиятлар мавжуд. Унинг тўртинчи қисмида белгиланишича, қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган вояга етмаганларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас. Лекин мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари «а» бандида, бу турдаги жиноятларни содир этган вояга етмаганларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкинлиги белгиланган. Бу қарама-қаршилик жиноий жазо тайинлаш борасида суд амалиётида қонуннинг бир хилда қўлланилишига салбий таъсир кўрсатади.

Унча оғир бўлмаган жиноят содир этган вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш соҳасидаги жиноий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда юқоридаги тафовутларни бартараф этиш мақсадида Жиноят кодекси 85-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларидаги «а» бандини чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда.

Фракция аъзолари Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган ҳамда мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлигига дахлдор «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур лойиҳа юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Сорахон Аҳмедова маъруза қилди.

Мазкур Битим Президентимизнинг 2008 йил 17-18 март кунлари Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи чоғида имзоланган эди. Ҳужжат халқаро жиноятчилик, айниқса, унинг уюшган шакллари давлатлар ривожи, хавфсизлигига жиддий таҳдид солишини эътироф этиб, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга нисбатан одил судловни амалга ошириш, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида имзоланган ҳамда ратификация қилиш учун парламент қўйи палатасига киритилган.

Йиғилишда, шунингдек, фракция аъзоларининг сайловчилар билан ўтказган учрашувлари якунлари ҳам муҳокама этилди. Маълумки, май ойининг охирги ҳафтасида Қонунчилик палатаси депутатлари сайловчилар билан учрашиб қайтдилар. Мазкур жараёнда фракция аъзоларига сайловчилардан кўплаб саволлар тушди, мурожаатлар бўлди. Йиғилишда қонунчиликни ташкиллаштиришда улардан фойдаланиш бўйича келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз.

ЁШЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбир иштирокчилари таъкидлаб ўтганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида давлат ташкилотлари ҳамда нодавлат ташкилотлар ёшларга оид долзарб масалаларни вақтида ҳал этишга, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари кафолатларини амалга оширишга, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари янада тўлароқ таъмин этилишига қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонида қайд этилганидек, «бозор ислоҳотларини изчил амалга ошириш, йирик давлат ижтимоий дастурларини, жумладан, «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Сиҳат-саломатлик йили», «Оила йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Ёшлар йили» ва бошқа дастурларни ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакатда инсоннинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди».

Давра суҳбати иштирокчилари ўз нутқларида «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга оширишга бағишлаб ўтказилаётган тадбирларда бола ҳуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳамда болалар ва ёшлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя этилишини янада тўлиқроқ таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Тегишли вазирликлар ва идоралар узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини янада кенгроқ кўламда амалга ошириш, ёшлар камолоти равнақ топиб, ижодий салоҳияти янада юксалиши учун қўшимча равишда ҳуқуқий, ташкилий шароит ва кафолатлар бериш масалаларига оид қонун лойиҳаларини тайёрлаш, шунингдек, иқтидорли болалар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш, қобилиятли ўқувчилар ва талабаларни таълим жараёнида рағбатлантириб бориш тизимини яратиш, умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисидаги янгиланган низомларни тасдиқлаш борасида қонун ижодкорлиги ишларини изчиллик ва собитқадамлик билан олиб бормоқдалар.

Иштирокчилар бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга таллуқли ваколатларни амалга ошириш масалаларида давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув юртлари, болалар ва ёшлар ташкилотлари, ишлаб чиқариш жамоалари ва фермер хўжаликлари билан биргаликдаги фаолиятини янада жонлантиришга қаратилган ишлари давом эттириш зарурлигига ҳам урғу бердилар.

Муҳокама асосида тадбир иштирокчилари вояга етмаганларга оид ГФР қонун ҳужжатларининг ўзига хос жиҳатлари билан танишдилар, вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларимизни такомиллаштириш, давлат болалар муассасалари ва ташкилотларида навқирон авлод таълим ва тарбиясининг мазмун-моҳияти ҳамда сифати, давлат органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти очиқ-ошкоралигига эришиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар, қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

Давра суҳбати якунлари асосида иштирокчилар тегишли тавсиялар қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг 6 июнда Андижон давлат тиббиёт институти биносида бўлиб ўтган қўшма сайёр мажлисида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон вилоятида ижро этилиши натижалари кўриб чиқилди.

Миллий ва умуминсоний қадриятларни, буюк аждодларимизнинг кўп асрлик маънавий меросини, шунингдек, жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг интеллектуал ютуқлари ва тажрибасини ўйғун ўзлаштириш асосида тарбияланган ёш авлод, давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланганидек, куч-қудратимизнинг энг асосий манбаидир.

Болаларимизни ўзаро уйғун миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, мустақил фикрлай оладиган, замонавий билимларни эгаллаган, жамиятимиздан муносиб ўрин топадиган мутахассис қилиб етиштириш эндиликда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб қолди. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир тегишли ҳуқуқий база яратилди. «Ёшлар йили» Давлат дастури қабул қилинди ва у ҳозир муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда. Бу соҳадаги долзарб вазифалардан бири ёшлар камол топиши, уларнинг ижодий салоҳияти янада юксалиши учун қўшимча ҳуқуқий, ташкилий шароит ҳамда кафолатлар беришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Мажлисда қайд этилганидек, Андижон вилоятида мазкур Қонунни ижро этиш юзасидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Чунончи, 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган 393 минг йигит-қиздан 258 минг нафари ишга жойлаштирилган. Фақатгина шу йилнинг тўрт ойи мобайнида икки мингдан ортиқ ёлланма касаначилик ўринлари яратилди. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида турли тоифадаги ёшларни ишга жойлаштириш учун 50 мингга яқин иш жойи яратиш назарда тутилган. Ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларига меҳнат фахрийлари ва зиёлиларнинг намоянда мазкур марказ томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида аёллар ўртасида ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олишга қўмаклашишга доир лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳа бир йилга мўлжалланган бўлиб, шу давр мобайнида Урганч шаҳридаги ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оила фарзандларини бепул компьютер саводхонлигига, тикувчилик, кулинария каби касбларга ўргатишни, шунингдек, вилоят наркология ва ВИЧ/ОИТС марказида рўйхатда турган оила аъзоларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўқув курслари ташкил қилишни асосий мақсад қилиб олган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш мақсадида адлия бошқармаси ташаббуси билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида учрашувлар, маърузалар, семинарлар доимий равишда ўтказилмоқда. Бундай мулоқотлар, албатта, фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолият юритишига ўз таъсирини кўрсатаяпти.

Ўйлаймизки, ННТларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб, аҳолининг суянчи ва қанотига айланади ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим бўғини бўлиб қолади.

Илҳомбой ТЎРАЕВ, Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

даллари жалб этишга катта эътибор берилмоқда.

Ёшларнинг таълим олиш соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш бешта олий ўқув юрти, 94 та касб-ҳунар коллежи, 11 та академик лицей ва 746 та умумтаълим мактаби орқали амалга оширилмоқда, уларда 611 мингга яқин ўқувчи ва талаба таълим олмоқда. Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларида, «Меҳрибонлик» уйида, кам таъминланган оилаларнинг болалари учун мўлжалланган мактаб-интернатда, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатларда ижтимоий ҳимояга ҳамда давлат расида вакиллик, ижро этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган ижтимоий дастурларнинг бажарилишини назорат қилиш соҳасида етарлича иш олиб бормоқдалар.

Муҳокама асосида ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари ўз вақтида ҳал этилишини таъминлайдиган қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилди.

Иштирокчилар ёшларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириш доирасида кам таъминланган 246 та ёш оилага бепул қорамол берилди, 2007 йилда шундай оилаларга тижорат банклари томонидан 8 миллиард 80 миллион сўмлик ипотека, истеъмол кредитлари ва бошқа турдаги кредитлар ажратилди. 2008 йилнинг биринчи чораги мобайнида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган муҳтож фуқароларга бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан 704,7 миллион сўм миқдорида пенсия ва нафақалар тўланди. Андижон шаҳрида мамлакатимизда энг катта Ёшлар маркази биноси қурилиши тугалланмоқда, энг янги техника воситалари ва технология ускуналари билан жиҳозланган бу кошонада ёшлардан 500 нафардан ортиғи ишга жойлашади.

Шу билан бирга, қўшма мажлисда сенаторлар ва депутатлар «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон вилоятида ижро этилишидаги мавжуд камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Хусусан, ёшларнинг таълим олиш соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини ошириш, уларни истиқболли илмий тадқиқотларда иштирок этишга жалб қилиш, ёшларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шу жумладан тадбиркорлик соҳасида ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Шу куни «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш — давр талаби» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш шароитида миллий ғоя тарғиботи борасидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг ўзига хос шакллари ва усуллари тўғрисида, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳақида, шу соҳада олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишда таълим муассасаларининг роли хусусида, ёшлар орасида миллий ғояни тарғиб қилиш, маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш жараёнидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида амалий фикр алмашув бўлиб ўтди.

Тадбирларда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, таълим муассасалари, Хотин-қизлар қўмиталари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА)

Қонун ва шарҳ

ЖИНОЙИЙ ЖАЗОЛАР ЛИБЕРАЛЛАШУВИ

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишининг муҳим босқичи ҳисобланади

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият қуришнинг ўзбек модели ва унинг ажралмас қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг навбатдаги босқичи ҳамда мантиқий давомидир.

Президентимиз 2005 йил 28 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисида қилган маърузасида жиноий жазолар тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ҳамда жиноят процессининг судгача бўлган босқичида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, айниқса дахлсизлигини чеклаш билан боғлиқ масалалар устидан суд назоратини кучайтириш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш зарурлигини қайд этганди.

Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказиш масалалари халқимиз дунёқарашининг ўзгариши, тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши, зарур шарт-шароитларнинг етилишига мувофиқ тарзда босқичма-босқич ҳал этилди. Хусусан, истиқлолнинг ўтган йиллари мобайнида судлар ихтисослаштирилди, суд кадрларини танлаш ва жойжойига қўйишнинг халқаро андозаларга жавоб берадиган янги тизими жорий этилди, судлар фаолиятини моддий-техник таъминловчи департамент тузилди, жиноий жазолар либераллаштирилди, ўлим жазосини назарда тутувчи жиноят турлари сезиларли қисқартирилди, ярашув институти киритилди, прокуратура ислоҳ қилинди. Энг муҳими, одамларнинг дунёқараши ўзгарди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 2005 йил 1 августда Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилинганини таъкидлаш жоиз. Фармонга биноан бу жазо тури 2008 йил 1 январдан тамоман бекор қилинди.

Юртбошимизнинг Фармони асосида ўтган вақт давомида ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган қатор ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишига биноан Олий суд, Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари мутахассислари, эксперт ва олимлардан иборат ишчи гуруҳ қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқди. Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топди.

Ушбу Қонунни ишлаб чиқишда тараққий топган қатор давлатлар тажрибаси, ижобий ютуқлари инобатга олинди.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариш ва уни умрбод ҳамда узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан алмаштириш, ушбу жазоларни ижро этиш тартиби ва шартларини белгилаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жиноят кодексининг жазолар тизимини назарда тутувчи 43-моддаси биринчи қисмидан ўлим жазоси чиқарилиб, унинг ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилди. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноят қонунчилигимизда янги жазо тури бўлиб, маҳкумни муддатсиз жамиятдан ажратишни, уни махсус тартибли колонияга жойлаштиришни кўзда тутади.

Бундай жазо жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жинояти учун берилади.

Қонун бўйича, инсонпарварлик тамойилидан келиб чиқиб, қуйидаги шахсларга нисбатан ва қуйидаги ҳолатларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас: аёл кишига; ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга; олтмиш ёшдан ошган эркакка; тамом бўлмаган жиноятлар учун; суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса; суд жазони ижро этиш муддатини қўллашни лозим топмаса;

Бу борада Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Грузия, Озарбойжон, Япония, Корея, Хитой, Франция, Германия, Австрия, Польша, Швейцария, Швеция, Голландия, Дания, АҚШ ва Бельгия жиноят қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур давлатларнинг фақат 7 тасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш мумкин бўлган шахслар тоифасига оид нормалар мавжуд. Қолган 12 та давлат қонунчилигида эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш қўлланилмайдиган шахслар тоифаси кўрсатилмаган. Яъни, ушбу жазо чораси барчага бирдек қўлланилиши мумкин.

Жиноят кодексининг озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутувчи 50-моддасига узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга оид норма киритилиб, унга биноан йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун белгиланди.

Ушбу Қонун билан умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларни авф этиш тартибида жазодан озод қилишга оид нормалар ҳам киритилди.

Чунончи, умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахс, тайинланган жазонинг 25 йилини ўтаб бўлгандан сўнг авф этиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин. Лекин белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазога тортилмаган бўлса, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан ёндашаётган бўлса, тарбиявий тадбирларни ўтказишда фаол иштирок этган бўлса, тайинланган жазо муддатининг 15 йилини ўтаб бўлгандан кейин ҳам авф этиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин.

Қайд этиш керакки, Қонуннинг юқорида кўрсатилган нормалари бир томондан маҳкумни асоссиз равишда жазодан озод қилишга, ўзбошимчаликка йўл қўймайди, иккинчи томондан эса мазкур норма ва механизмлар маҳкумда тузалиш йўлига кириш мақсадининг пайдо бўлишига, озод ҳаётга қайтишга умид туғдиради. Қолаверса, амалдаги қонунчилик бўйича умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига умрбод озодликдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазони ижро этиш тартиби ва шартлари, маҳкумларнинг меҳнатини ташкил этиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий чораларни қўллашга оид ўзгартиш тадбирларни ўтказишда фаол иштирок этган бўлса, тайинланган жазо муддатининг 15 йилини ўтаб бўлгандан кейин ҳам авф этиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс эса тайинланган жазо муддатининг 20 йилини ўтаб бўлгандан сўнг авф этиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин. Лекин белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазога тортилмаган бўлса, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан ёндашаётган бўлса, тарбиявий ва қўшимчалар киритилди. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан Жиноят-ижроия кодексидан ўлим жазосини ижро этишга оид нормалар чиқариб ташланди. Кодекснинг V бўлими янги таҳрирда баён этилиб, унда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартиби ҳамда шартлари белгиланган. Қонунда умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганлар махсус сақлаш шароитларига эга бўлган алоҳида тартибдаги колонияларда жазони ўташи, оғир (дастлабки 10 йил), одатдаги (жазонинг 10 йилдан кам бўлмаган муддатини ўтаб бўлгандан сўнг) ва енгиллаштирилган (жазонинг 15 йилдан кам бўлмаган муддатини ўтаб бўлгандан сўнг) шароитда сақланишлари назарда тутилган. Бунда сақлашнинг шароитларини инобатга олган ҳолда, маҳкумларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиши, учрашув, телефон орқали сўзлашувлари, посилкалар, йўқловлар, бандероллар олиш ҳуқуқлари, улар меҳнатини ташкил қилиш хусусиятлари, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазоларнинг қўлланилиши тартиблари белгиланган.

Қонуннинг умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазо турини ижро этиш тартиби ва шароитига тегишли юқорида кўрсатилган нормалари БМТнинг инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ҳамда 1955 йилда БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш бўйича Конгресси томонидан қабул қилинган ва 1957 йил ЭКОСОС резолюцияси билан маъқулланган маҳкумлар билан муомалада бўлишнинг минимал андозавий қоидаларига тўла мувофиқ келади.

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари, юридик фанлари доктори.

ОЗОД ҚИЛИШГА УНДОВ

Венесуэла президенти Уго Чавес колумбиялик исёнчиларнинг янги раҳбари Альфонсо Канони асир олинганларни озод қилишга чақирди, деб хабар беради АР ахборот агентлиги. Чавеснинг фикрича, асирларни сақлаб туриш АҚШнинг Лотин Америкаси сўл кучларидан террорчиликда гумонсирашига сабаб бўлади. Эслатиб ўтамиз, 1964 йилдан бери исёнчилар (Колумбия инқилобий қуролланган кучлари) Янги Колумбия қуриш учун ҳукуматга қарши кураш олиб бормоқда. Гуруҳнинг 18 мингга яқин жангариси бор. АҚШ ва Европа Иттифоқи бу исёнчилар гуруҳини террористик ташкилотлар рўйхатига киритган.

НАВБАТДАГИ МУЗОКАРА

Фаластин миллий мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос ва Миср президенти Хусни Муборак Исроил билан бўлган мулоқотлар, Ғазо минтақасига оид музокараларда силжиш бўлмаётганини муҳокама қилди. РИА Новости хабарига кўра, Аббос Муборакка Исроил бош вазири Эҳуд Олмерт билан бўлган учрашуви натижасини ҳам маълум қилган. Раҳбарлар, шунингдек, Аббоснинг ФАТХ ва ХАМАС ўртасидаги низони бартараф этиш учун музокара бошлаш ҳақидаги таклифини ҳам кўриб чиққан.

ХИЛЛАРИ САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТМАЙДИ

7 июнь куни сенатор-демократ ва АҚШнинг собиқ биринчи хоними Хиллари Клинтон президентлик сайловида иштирок этмаслигини расман эълон қилиб, Барака Обамани қутлади. Ассошиейтед Пресснинг хабарига кўра, Хиллари август ойидаги партия съездига қадар расмий равишда номзод бўлиб қолаверади. Бу эса унга 30 миллион долларга яқин қарзини тўлаш учун хайрия пули йиғиш имконини беради.

Мутахассисларнинг фикрича, Клинтон сайловолди тарғиботида хатога йўл қўйган: у моддий ёрдам олишга интилиб фақат аҳоли зич жойлашган штатларда тарғибот олиб борган.

Инсон ва табиат

ҲАЁТБАХШ ЯШИЛЛИК

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўрмон ҳавосида саноати ривожланган шаҳарлардагига қараганда чанг ва ғубор минг баробар кам бўлади. Дарахтлар, буталар 66-78 килограммгача зарарли зарраларни ушлаб қолишга қодир бўлиб, бу ҳаводаги аралашма таркибининг 40-80 фоизини ушлаб этади. Уларга 72 фоиз чанг ва 60 фоизгача олтингугурт гази ўтириб қолади. Бир гектар майдондаги дарахтзор эса ҳаво таркибидаги карбонат-ангидрид газининг 68 тоннаси ва бошқа аралашмаларни «тутиб» ўзлаштиради. Натижада у бир йилда 18 миллион куб метр ҳавони тозалайди, чўл ҳудудларидаги бир туп ўрта ёшли саксовул дарахтининг ўзигина 3-5 тоннагача қум заррачаларини тутиб қолар экан.

Мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш, табиатни асраб-авайлаш бугунги кунда давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган. Чунки, экологик хавф замирида давлат манфаатлари, қолаверса, унинг кўп миллионли аҳолиси ҳаёти ва келажаги ётади.

Шу мақсадда Ўзбекистонда ўрмон майдонларини кўпайтириш, ўрмонзорларни қайта тиклаш, уларни қўриқлаш ва сақлаш юзасидан бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон кам ўрмонли ҳудудлардан ҳисобланади. Мамлакатимиз ўрмонлари фанда I-гуруҳ ўрмонзорлар тоифасига киради. Зеро, бу тоифадаги ўрмонлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин эмас, яъни улардан фақат экологик вазиятни яхшилаш мақсадида, фойдаланиш кўзда тутилган. Республикамиздаги мавжуд ўрмон фонди ерларининг 7 миллион гектаридан зиёди чўл ҳудудлари, 758,53 минг гектари тоғ ва тоғолди, 277,1 минг гектари водий ҳамда дарё бўйларидаги майдонлар, 112,4 минг гектари эса алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардан иборат. Бундан кўриниб турибдики, давлат ўрмон фонди ерларининг қарийб 87 фоизини чўллар ташкил қилади. Шу боисдан ҳам соҳа ходимлари олдида ўрмонзорлар майдонини кўпайтириш, мавжудларини асраб-авайлаш, айниқса, экологик вазият оғир ҳудудларда яшил майдонлар барпо этишдек муҳим вазифа турибди.

Маълумки, Орол денгизининг талофати натижасида катта майдонларда «Оролқум саҳроси» пайдо бўлди. Кези келганда Оролнинг қуриган соҳилида қандим, черкес каби саҳро ўсимликлари экилиб, фитомелиорация ишлари олиб борилаётганини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Шунингдек, Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳудудларининг қишлоқ хўжалиги майдонларини қум кўчкиларидан муҳофаза этиш мақсадида «Яшил қалқон» ва иҳота ўрмонлари яратиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб, «Оролқум саҳроси» муаммоси наинки ҳудудий, балки минтақавий экологик мураккаб вазиятни юзага келтиряпти. Шу боис, республикамизнинг мавжуд ўрмонзор массивларидан оқилона фойдаланиш ва уларни кенгайтириш мақсадида 2006 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича халқаро Ф.А.О ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Миллий ўрмон дастури ва ўрмон қонунчилигини ишлаб чиқишда ёрдам» лойиҳасини амалга оширмоқда.

— Ушбу лойиҳа республикамиз ўрмон бойликларидан оқилона фойдаланишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади, — дейди Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Муротбой Ғаниев. — Лойиҳанинг асосий мақсади — дастур ишлаб чиқиш, халқаро андозаларга тўғри келадиган тажрибалар асосида республикамиз ўрмон хўжалигининг шароитларини ҳисобга олиб, ўрмон қонунчилигимизни янада такомиллаштириш ҳамда аҳолининг экологик саводхонлигини оширишга хизмат қилишдир. Бундан ташқари, ўрмон массивларига яқин ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ўрмончиликнинг маълум бир секторлари бўйича изланишлар олиб борилади. Республика ва вилоятлар миқёсида қатор семинар ва тренинглар ташкил этилади. Экологик вазиятнинг яхшиланиши мамлакатимиздаги биохилмахилликни сақлаб қолиш учун хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ўрмончиларимиз мамлакатимиз табиатини янада фусункор этиш, унинг бетакрор манзараларини сақлаб қолиш, экологик вазиятни яхшилаш борасида катта-катта тадбирларни амалга оширмоқдалар. Биргина мисол. Саҳро ва чўл зоналарида ўрмонларни қайта тиклаш ва янгидан барпо этиш ҳажмлари йилдан-йилга кўпайтириб борилмоқда. Умумий ўрмон барпо этиш ҳажмининг 75-80 фоизини ташкил этади. Орол денгизининг қуриган қисмида ҳар йили 20 минг гектар майдонда ўрмонлар барпо этиш ишлари бажариб келинмоқда.

Яқинда «Ўзбекистон Республикаси миллий ўрмон дастури ва ўрмон қонунчилигини ишлаб чиқишда ёрдам» лойиҳасига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳам соҳада янги самарали усулларни жорий этиш ҳамда бу борада аниқ режалар ишлаб чиқиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«НАВОИЙПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

«НАВОИЙПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ «МАЪМУРИЙ БИНОСИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ» ОБЪЕКТИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ишларни тугаллаш муддати — 4 ой.
Буюртмачи — «Навоийпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси
Манзили — Навоий шаҳар, Б.Равшанов кўчаси, 201-уй.
Лойиҳани молиялаштириш корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича: **Навоий шаҳар, С.Айний кўчаси, 32-уй, тел: (436) 225-53-85 мурожаат қилишлари мумкин.**

Ҳужжатлар бир тўпламининг қиймати — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар)нинг очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«НАВОИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ОАЖ

1. Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги «35/10 КВ Лангар НСни қайта қуриш»
2. Нурота туманидаги «35/10 КВ Сойкечар НСдан чиқувчи 10 КВли Сувли шахобчасини тўлиқ тиклаш» объектлари бўйича
ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ишларни тугаллаш муддати: 1 — 3 ой, 2 — 2,5 ой
Буюртмачи — «Навоий электр тармоқлари» ОАЖ
Манзили — Навоий шаҳар, Низомий кўчаси, 22-уй.
Лойиҳани молиялаштириш корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича: Навоий шаҳар, С.Айний кўчаси, 32-уй, тел: (436) 225-53-85 мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳужжатлар бир тўпламининг қиймати — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар)нинг очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЗАРАФШОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлиқича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот №	Объект номи ва жойлашган манзили	Қурилиш муддати
	ЛОТ 1-9	
Лот-1	Булунғур туманидаги «Шўрбедона» хўжаликлараро зовурида тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	5,5 ой
Лот-2	Нуробод туманидаги «Қўйбоқар» хўжаликлараро зовурида тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	5 ой
Лот-3	Ургут туманидаги «Баҳрин» хўжаликлараро зовурида тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	5 ой
Лот-4	Тайлоқ туманидаги «Қозихона» туманлараро зовурида тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	5,5 ой
Лот-5	Каттақўрғон туманидаги «Марказий» хўжаликлараро зовурида тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари	5,5 ой
Лот-6	Пастдарғом туманидаги «Қора» зовурида тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (иккинчи босқичи — 42,66 км.)	5,5 ой
Лот-7	Жомбой туманидаги «Сори-Сув» туманлараро зовурида тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (иккинчи босқичи)	5,5 ой
Лот-8	Нарпай туманидаги «Чархкент» зовурида тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (иккинчи босқичи)	5,5 ой

Қурилиш ишлари Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси *— Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.*

Буюртмачи *— Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедицияси.*

Манзили: *Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 70-уй, телефон: (8366) 234-04-34.*

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 10.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ИҚТИДОР ЧЕГАРАСИ

тинимсиз ўқиш, изланиш билан янада кенгаяди

Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганидан буён юз нафардан ортиқ интилувчан қизлар ўз иқтидори ва танлаган соҳаси ривожига қўшаётган ҳиссаси учун шу мукофот билан тақдирланди. Улар чинакам сабот билан бетиним изланиши туфайли элга танилиб, шу эътиборга муносиб эканини амалда исботлаб келмоқда. Мукофот забардаст шоира Зулфияхоним номи билан аталгани учунми, шу ҳақда гап кетса, кўз олдимизга беихтиёр шоираю санъаткор қизлар келади. Лекин ёш олима Сайёра Муродова билан яқиндан танишгач, унинг иқтидор ва тафаккур олами ҳам ижод билан, ҳаёт билан бевосита боғлиқ, муштарак эканига амин бўлдим.

Суратда: Сайёра Муродова шогирди Мўътабар Хўжаназарова билан

— 1996 йилдан бери тупроқ унумдорлигини ошириш устида иш олиб бораётган бўлсам, ҳозир барча назарий билимларни амалда қўллаб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишга озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан хурсандман, — дейди у олималарга хос босиқлик билан.

— Номзодлик диссертациянгиз мавзуси ҳақида тўхталсангиз.

— Содда қилиб айтганда, илмий ишим мош ўсимлигини туганак бактерияларига токсиген киритиб, уларнинг ҳашаротга чидамли турларини олиш мавзусига бағишланган. Кейинчалик ҳосилдорликни ошириш учун помидор, буғдой ва пахтага микроорганизмларнинг таъсирини ўргандим.

— Нега айнан шу мавзуни танлагансиз?

— Ҳозирда нафақат қишлоқ хўжалиги, балки экотизим билан боғлиқ барча соҳаларда экологик хавфсиз усулларини яратиш, чиқиндиларни камайтириш ўта долзарб масалага айланган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 30 фоиздан ортиғи зараркунандалар таъсирида нобуд бўляпти. Уларга қарши турли кимёвий препаратлар қўлланилиши оқибатида тупроқ унумдорлиги пасаймоқда. Мақсадим — тупроқ унумдорлигини оширувчи ва зараркунандаларга самарали қарши курашувчи экологик тоза препарат яратиш.

Юртимизда микроорганизмлар таъсирини ўрганиш бўйича қатор олимлар иш олиб бормоқда. Мен кимёвий эмас, балки замонавий биотехнологиялар ёрдамида самарадорликни ошириш устида ишлаяпман. Юртимиз аграр соҳа ривожланган мамлакатлардан биридир. Атроф-муҳит тозалигига эътибор қаратиш бу соҳадаги муҳим стратегик йўналиш ҳисобланади.

— Тадқиқот натижаларидан кўнглингиз тўлдими?

— Тупроқ унумдорлигини оширадиган микроорганизмлар устида олиб борган тажрибаларим ўзини оқлашига кўзим етади. Ҳосилдорликни оширишга хизмат қиладиган микроорганизмлардан рақобатбардош препарат ишлаб чиқариш арафасидамиз.

2005-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази томонидан молиялаштирилган «Тупроқ жараёнларини фаоллаштиргични олиш технологияси» инновацион лойиҳаси бўйича ғолиб бўлдик. Лойиҳа доирасида 190 га яқин микроорганизм культураларини ажратиб олдик. Улардан бештасини саралаб, шу асосда препарат тайёрлаяпмиз. Бу микроорганизмларни Сирдарё вилоятидаги Турсун Матғуломов бошчилик қилаётган фермер хўжалигида синовдан ўтказдик, натижа ёмон бўлмади, биринчи теримдаёқ режа бажарилди. Бундан ташқари, Маъмун академияси ҳам бизга ер ажратган. Бу ерда пахтада синаб кўрган тажрибамиз кутилган самарани берди. Агар препарат олдига қўйилган вазифани бажарса, уни нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, балки пахтачиликда ҳам қўллаш ва ҳосилдорликни ошириш мумкин.

— Ота касбини танлабсиз... Қийин эмасми? Илмий ишдан ташқари яна нималар билан машғулсиз?

— Тўғри. Отам биолог, онам шифокор. Илмий тил билан айтганда, ойламиз тақдири биология фани билан бевосита боғланган. Уйимиздаги бу соҳага доир китоблар менга қизиқ туюлган, шу боис бу фанга боғланиб қолганман. Қолаверса, бу соҳа халқимиз ҳаётида асосий ўрин тутади.

Ҳозир мен мева-сабзавотчиликда биотехнология ва тупроқ унумдорлигини ошириш фанидан магистрларга дарс бераман. Бу мавзунинг ўзига яраша илмий муаммолари бор. Бу борада хорижий ҳамкасблар эришган ютуқлардан фойдаланиб, тажриба алмашиш керак. Қаранг, экологияга зарар келтирадиган усуллардан бири — кимёлаштиришдан чекиниб, табиатда мавжуд микроорганизмлар ёрдамида тупроқдаги микроорганизмлар балансини тартибга солишни мақсад қилган препарат яратилганига юз йилдан ошди. Экологик жиҳатдан тоза, инсоният ва ҳайвонот олами учун зарар келтирмайдиган, энг муҳими, иқтисодий томондан арзон бўлган биологик препаратлардан фойдаланиш истиқболли усуллардан ҳисобланади. Бизда ҳам бундай препаратлар бор, аммо уларнинг рўйхатдан ўтган турлари саноқли. Комплекс таъсирга эга рақобатбардош препарат ҳали яратилган эмас. Бунда биз фақат ўз тажриба ва кузатувларимизга таянишимиз керак. Зеро, хорижда ишлаб чиқарилган препаратлардан фойдаланиш ўзини тўла оқлайди, деб бўлмайди. Негаки улар қайси мамлакатда тайёрланган бўлса, аввало, ўша ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган. Бизнинг препарат эса тупроқ шўрланишига чидамли...

Уз кўзинг билан кўрганга нима етсин. Сайёрахон мени лабораторияга олиб кирди. Унинг шогирдлари — Мўътабар Хўжаназарова ва Ботир Файзуллаевлар ҳам шу ерда экан. Илмий ва педагогик фаолиятини давом эттириб, Тошкент давлат аграр университети докторант-тадқиқотчиси, Қишлоқ хўжалик биотехнологияси ва фитопатологияси кафедраси доценти Сайёра Муродова тиришқоқлиги, билими ва изланиши билан талабалар орасида ўзига хос ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлгани шогирдларининг унга муносабатида акс этиб турибди. Илм олиш ва ўргатиш машаққатидан қўрқмай, йиллаб эл-юрт манфаати учун изланаётган Сайёра Муродова тадқиқотлари чиндан ҳам эътиборга молик. Бундай инсонлар, катта мақсад, эзгу интилиш ва собит ирода эгалари ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ.

— Президентимизнинг бевосита ғамхўрлиги, ижодкор ва олима аёлларга катта эътибор кўрсатаётгани туфайли ҳар бир иқтидор соҳибаси исталган соҳадаги ғоя ва орзуларини амалга ошириш имконига эга, — дейди ёш олима шодмонлик билан. — Ўзим ҳам шундайлар сафида эканимдан фахрланаман. Ниятим, бу саф янада кенг қулоч ёзсин. Зеро, билим ва иқтидор чегараси тинимсиз ўқиш, изланиш, меҳнат қилиш билан тобора кенгайиб бораверади.

Гулгун СУЛТОНОВА

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Ўтган шанба оқшомида Сингапур терма жамоаси устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган мамлакатимиз футболчилари муддатидан илгари 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари тўртинчи босқичига йўлланма олдилар.

Хабарингиз бор, Рауф Инилеев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 2 июнь куни сафарда сингапурлик футболчиларни йирик 3:7 ҳисобида мағлубиятга учратишганди. Агар Тошкентда ўтадиган жавоб ўйинида ҳамюртларимиз зафар қучишса, муддатидан олдин кейинги босқич йўлланмасини нақд қилишарди.

Кутилганидек, футболчиларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтган мазкур учрашувда Александр Гейнрих томонидан киритилган ягона тўп терма жамоамизга навбатдаги ғалабани тақдим этди: тўртта ўйин, тўртта ғалаба! Вакилларимиз иштирок этаётган «Д» гуруҳининг иккинчи босқичида Ливан — Саудия Арабистони терма жамоалари ўзаро рўбарў келди. Унда меҳмонлар муҳим уч очкони қўлга киритди — 1:2.

Тўртинчи турдан сўнг «Д» гуруҳидаги вазият

1. Ўзбекистон	4	4	0	0	12-3	12
2. С.Арабистони	4	3	0	1	8-5	9
3. Сингапур	4	1	0	3	5-10	3
4. Ливан	4	0	0	4	2-9	0

Ўзбекистон миллий терма жамоаси навбатдаги учрашувни 14 июнь куни ўз майдонида Ливан футболчиларига қарши ўтказишади. Гуруҳдаги сўнгги тур ўйинлари 22 июнда бўлиб ўтади. Шу куни ҳамюртларимиз Ар-Риёдда Саудия Арабистони терма жамоасига қарши майдонга тушадилар.

Саралаш учрашувларининг тўртинчи босқич баҳсларига 27 июнь куни қурға ташланади.

Гулрух Турдиева

EURO 2008 Austria-Switzerland

КУТИЛГАН НАТИЖАЛАР, ИЛК ТААССУРОТЛАР

Узоқ орзиқиб кутилган XIII Европа чемпионати баҳсларини мусобақанинг «А» гуруҳидан жой олган Швейцария — Чехия терма жамоалари учрашуви бошлаб берди. Базель шаҳридаги «Санкт-Якоб Парк» стадионида ўтказилган мазкур ўйинда олдиндан чехияликларнинг имкониятлари юқори баҳоланган бўлса-да, мезбонлар рақибларига муносиб қаршилик кўрсатдилар. Учрашувда Вацлав Сверкош томонидан киритилган ягона гол Чехия терма жамоасига муҳим уч очкони ҳадя этди.

— Бу биз учун жуда аламли мағлубият бўлди, — деди учрашувдан сўнг Швейцария терма жамоаси ҳужумчиси Хакан Якин. — Рақибимиздан кўра, биз кўпроқ ғалабага муносиб тўп сурдик. Аммо юзага келган вазиятлардан унумли фойдалана олмаганлигимиз қимматга тушди. Чехлар эса тўқсон дақиқа давомида юзага келтирган қулай вазиятни голга айлантириб, ғалабани илиб кетишди. Энди барчасини тезда унутиб, Туркия терма жамоасига қарши ўтадиган ўйинга ҳозирлик кўриш зарур.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида кўпчилик олдиндан башорат қилганидек, Португалия футболчилари туркияликларни 2:0 ҳисобида енгди.

Чемпионатнинг иккинчи кунида «В» гуруҳи учрашувларига старт берилди. Унда ҳам юқоридагидек бир хил ҳисоблар қайд этилди: Австрия — Хорватия — 0:1, Германия — Польша — 2:0.

Кеча кечқурун эса «С» гуруҳидан жой олган Руминия — Франция, Голландия — Италия терма жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Бугун «Д» гуруҳида ўтказиладиган Испания — Россия, Греция — Швеция терма жамоалари ўйинлари билан биринчи тур баҳслари ниҳоясига етади.

Эркин ХОЛБОБО

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 549
12311 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.40.
Topshirilgan vaqti — 23.30.
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

БУНДА БОР ҲАРОРАТ, МУҲАББАТ, ШАФҚАТ!..

— Бола қалбини англаш масъулияти ва саодатини шу ерга келиб ҳис қилганман, — дейди Бухоро шаҳридаги 27-мактаб-интернат директори, ЎзХДП фаоли Ҳалима Насруллаева. — Бундай болалардан меҳрни асло дариғ тутиб бўлмайди. Меҳр кўрган боладан эса ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси уларни худди ўз фарзандидек кўришади. Энг муҳими, давлатимиз ғамхўрлиги ҳамда саховатпеша инсонлар мурувватти билан кўнгли ярим болалар бошқалардан кам бўлмай ўсади.

Шу пайт директор хонасига чеҳрасидан нур ёғилиб турган икки аёл кириб келди. Улар савобли амаллари билан шаҳарда ҳурмат қозонган партиямиз жонкуяри Муҳаррам ая Собирова ва ЎзХДП шаҳар кенгаши раиси Робия Козимова эди.

Муҳаррам ая мактаб-интернат жойлашган ҳудудда яшайди, болалар жонидили, ҳар қадамда уларга нафим тегсин дейди. Битираётган болаларга бир сидра бош-оёқ сарпо улашиш таклифи билан чиққан онахонни шаҳар партия кенгаши ҳам қўллаб-қувватлади.

— Мактабни битириб, педагогика коллежига ўқишга кирмоқчиман, — дейди Гулруҳ Мирзаева. — Энг катта орзуим — тарбиячи бўлиб, ўзим таҳсил олган мактабда устозларим билан бирга ишлаш.

Мини футбол бўйича бир неча бор олтин медални қўлга киритган Миржон Рамазонов меҳрибон устоз-мураббийларидан миннатдор. Энг қувончлиси, бу ердаги 251 нафар боланинг барчаси бир дунё орзу-ҳавас билан яшамоқда.

Бу ердаги ўқитувчи-мураббийларнинг меҳр-муҳаббати оналарникидан кам эмас. Ҳар бир бола учун шунчалик қайғуришадики, асти қўяверинг. Зеро, меҳр бор жойда болалар ўксимайди. Шу ўринда шоирнинг шоҳ сатри хаёлимиздан ўтади: Бунда бор ҳарорат, муҳаббат, шафқат!..

(Ўз мухбиримиз)

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг жамоаси «Интернет журналистика» кафедрасининг катта ўқитувчиси Равшан Райимжоновга отаси

ЗОКИР аканинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Эстрада-цирк коллежи жамоаси Назаровлар оиласига падари бузруквори

Шуҳрат НАЗАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси Капитал қурилиш дирекцияси бошлиғининг ўринбосари

Муҳаммадали Аҳмадалиевич УМАРОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

КОМПЬЮТЕР ВА ОРГТЕХНИКА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ҲАМДА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партия вилоят бўлинмалари ва марказий аппаратини жиҳозлаш учун компьютер ва оргтехника, комьютер мебели ҳамда бошқа ускуналарни харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

Тендерда қатнашиш учун харид қилинадиган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарувчилари ва (ёки) етказиб берувчилари ҳисобланган ташкилотлар ёки уларнинг тендер предметига мос сертификатлаштирилган маҳсулотларни Ўзбекистонга етказиб бериш бўйича тажрибаси бўлган расмий дилерлари (дистрибьютерлари) таклиф этилади.

1. Тендер предмети

1.1. Ўзбекистон ХДП маҳаллий ташкилотларида ва партия марказий аппаратида автоном ўрнатиш учун автоматлаштирилган ишчи станциялар.

Талаблар:

Мазкур ишчи станциялар Intel Celeron D, Core Duo ёки уларга ўхшаш процессорли шахсий компьютерлар негизида қурилган бўлиб, қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- Microsoft Office 2003, 2007 ва уларнинг пакетларига мос бошқа стандарт офис иловаларидан фойдаланган ҳолда Windows XP, Windows Vista оиласига мансуб амалиётлар тизими бошқаруви остида самарали ишлаш;
- dial-up ва самарали on-line коммуникация режимида Интернетга уланиш, шу жумладан қурилган ёки ташқи web — камерадан фойдаланган ҳолда электрон почта ва видеокоммуникацияни алмашиш;
- flash-элтувчи ва CD/DVD дискларда электрон ахборотни ўқиш ва ёзиш;
- электрон элтувчилардаги аудио ахборотни колонкалар ёки наушниклар орқали эшитиш ва микрофон орқали электрон элтувчиларга аудио ёзув.

Ишчи станция компонентига кирувчи периферия асбоб-ускуналари қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- юқори сифатли оқ-қора лазер босмаси;
- ҳужжатларни сканерлаш ва улардан нусха кўчириш, уларни факсмил алоқа ёки электрон почта воситалари орқали қабул қилиш ва узатиш.

Харид ҳажми — маҳаллий ташкилотларда ўрнатиш учун 15 комплект ва марказий аппаратни жиҳозлаш учун 8 комплектга қадар.

1.2. Тегишли периферия асбоб-ускуналари, мультимедиали проектор ва экран ҳамда 3 та автоматлаштирилган иш ўринли бош компьютердан иборат компьютер мини-синфи.

Талаблар:

Мазкур қурилма Intel Celeron D, Core Duo ёки уларга ўхшаш процессорли шахсий компьютерлар негизида қурилган бўлиб, қуйидагиларни таъминлаши лозим.

- Microsoft Office 2003, 2007 ва уларнинг офис пакетларига мос стандарт офис иловаларидан фойдаланган ҳолда Windows XP, Windows Vista оиласига мансуб амалиёт тизимлари бошқарувида самарали ишлаш;
- Интернетга ажратилган линия орқали бош компьютер бошқаруви остидаги локал тармоқ орқали иш ўринларига назорат остида киришни таъминлаган ҳолда уланиш;
- барча иш ўринларида flash-элтувчидаги ва бош компьютерда CD/DVD дисклардаги электрон ахборотни ўқиш ва ёзув;
- электрон элтувчилардаги аудио ахборотни наушниклар орқали тинглаш ва микрофон орқали электрон элтувчиларга аудио-ёзув;
- бош компьютер, шу жумладан, TV тюнердан ахборотни мультимедиа проектори ва колонкаларга тақдимот ахборотини чиқариш.

Мини-синф комплектига кирувчи периферия қурилмаси бош компьютер орқали қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- юқори сифатли оқ-қора лазер босмаси;
- ҳужжатларни сканерлаш ва улардан нусха кўчириш, уларни факсли алоқа ёки электрон почта воситалари орқали қабул қилиш ва узатиш.

1.3. Харид этилаётган қурилмани электр манба тармоғига улаш учун Pilot русумли тармоқ фильтрлари.

Харид ҳажми — етказиб бериладиган комплектлар сонига кўра.

1.4. Компьютер мебели (столлар, стуллар) — етказиб бериладиган комплектлар сонига тегишли ҳажмда.

2. Етказиб беришни бажариш шарти — харидор омборхонаси.

3. Етказиб беришни бажариш муддати — келишилган жадвалга мувофиқ.

4. Тендер аризаларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2008 йил 18 июнь Тошкент вақти бўйича соат 15.00 гача.

Таклифлар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 15.00 гача қуйидаги манзилда: Ўзбекистон Республикаси, 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3 да қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали ҳар куни Тошкент вақти бўйича соат 9.00 дан 18.00 гача. олиш мумкин: (+99871) 239-42-47, факс: (+99871) 233-59-34.